

PROCEDURAL STATUS OF THE PROSECUTOR PARTICIPATING IN THE APPEAL INSTANCE

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15501315>

Egamberdiyev Feruzbek Asqarjon o'g'li

Lecturer in Legal education department of Fergana state university

Xusanova Surayyoxon Gaybulla qizi

Student of jurisprudence in Fergana state university

Abstract

This article analyzes the procedural status of the prosecutor participating in the appellate stage of criminal proceedings. The role of the prosecutor in upholding the rule of law, supporting public prosecution, and protecting human rights during this stage is examined. The current legislation is analyzed, with particular attention to the practical challenges related to the time limits for filing an appeal, and proposals for improvement are made based on comparative international experience.

Keywords

appellate instance, prosecutor, procedural status, appeal, human rights, rule of law.

АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ПРОКУРОРНИНГ ПРОЦЕССУАЛ МАҚОМИ

Эгамбердиев Ферузбек Асқаржон ўғли

Фарғона давлат университети

Хуқуқ таълим кафедраси ўқитувчиси

Хусанова Сурайёхон Ғайбулла кизи

Фарғона давлат университети

юриспруденция йўналиши 2-босқич талабаси

Аннотация

Ушбу мақолада апелляция инстанциясида иштирок этаётган прокурорнинг процессуал мақоми таҳлил қилинган. Прокурорнинг бу босқичдаги иштироки унинг давлат айловини қўллаб-қувватлаш, қонун бузилишларига нисбатан муросасиз позицияда бўлиш ва инсон ҳуқуқларини химоя қилиш борасидаги вазифаларини амалга оширишдаги ўрни билан изоҳланган. Шунингдек, амалдаги қонунчилик таҳлил қилиниб, апелляция

шикоятини бериш муддати билан боғлиқ муаммолар кўрсатилган ҳамда уларни бартараф этишга доир таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар

апелляция инстанцияси, прокурор, процессуал мақом, шикоят, инсон ҳуқуқлари, қонун устуворлиги.

Аннотация

В данной статье анализируется процессуальный статус прокурора, участвующего в рассмотрении уголовного дела в апелляционной инстанции. Рассмотрена роль прокурора в обеспечении законности, справедливости и защите прав человека на этом этапе. Также проанализировано действующее законодательство, выявлены проблемы, связанные со сроками подачи апелляционной жалобы, и предложены пути их решения на основе зарубежного опыта.

Ключевые слова

апелляционная инстанция, прокурор, процессуальный статус, жалоба, права человека, верховенство закона.

Кириш. Апелляция инстанцияси суди жиноят процессида биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш, қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилинишини таъминлашга хизмат қилувчи муҳим ҳуқуқий институтдир. Прокурор эса ушбу босқичда нафақат давлат айловини қўллаб-куватлаш, балки суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилитигини таъминлашга қаратилган фаолиятни амалга оширувчи марказий процессуал фигуранлардан бири саналади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 143-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши белгиланган бўлиб¹, бу уларнинг жиноят процессининг барча босқичларида, шу жумладан апелляцияда ҳам фаол иштирокини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (бундан буён матнда ЖПК) апелляция инстанциясида прокурорнинг иштироки, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради. Жумладан, ЖПКнинг 497¹⁶-моддасига кўра, апелляция инстанцияси суди мажлисида қўйидагилар иштирок этиши шарт: 1) тегишинча Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>

прокурори, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори томонидан ваколат берилган прокурор;

2) маҳкум, оқланган шахс ёки ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган шахс – мазкур шахс суд мажлисида иштирок этиш тӯғрисида илтимоснома берган ёки суд мазкур шахснинг суд мажлисида иштирок этишини зарур деб топган ҳолларда;

3) ҳимоячи – ЖПКнинг 51 ва 52-моддаларида кўрсатилган ҳолларда².

Юқоридаги моддага кўра, прокурор жиноят процессининг апелляция инстанциясида иштироки мажбурий ҳисобланади. Бу прокурорнинг апелляция тартибида кўрилаётган ҳар бир иш юзасидан ўз позициясини билдириши, суд музокараларида қатнашиши ва иш бўйича қонуний қарор қабул қилинишига кўмаклашиши учун процессуал замин яратади.

Суд-хукуқ ислохотларининг ҳозирги босқичида прокурорнинг апелляция инстанциясидаги процессуал мақомини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш бир неча омиллар билан изоҳланади. Биринчидан, Янги Ўзбекистон шароитида инсон хукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг кафолатларини кучайтириш, судловда тортишув тамойилини тўлақонли рӯёбга чиқариш талаблари прокурор фаолиятига ҳам янгича ёндашувларни тақозо этмоқда. Прокурор нафақат айбловни илгари сурувчи, балки қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасиз бўлган, фуқароларнинг бузилган хукуқлари тикланиши учун курашувчи субъект сифатида намоён бўлиши лозим.

Иккинчидан, илмий адабиётларда прокурорнинг апелляция инстанциясидаги роли, унинг ваколатларини кенгайтириш ёки оптималлаштириш, айбловни қўллаб-қувватлаш ва қонунийликни таъминлаш функциялари ўртасидаги мувозанатни топиш масалалари ҳануз баҳсли бўлиб қолмоқда. Айрим олимлар прокурорнинг айблов функциясини апелляцияда ҳам устувор деб ҳисобласа, бошқалари эса бу босқичда унинг хукуқни муҳофаза қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш вазифаси биринчи ўринга чиқишини таъкидлашади³.

Шу боис, прокурорнинг апелляция инстанциясидаги процессуал мақомининг назарий жиҳатларини тадқиқ этиш, унинг амалдаги ваколатларини таҳлил қилиш, хорижий тажрибани ўрганиш ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Мазкур мақола айнан шу масалаларни ёритишга қаратилган.

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал Кодекси. <https://lex.uz/docs/111460>

³ Мирзаев Р.Р. Жиноят процессида прокурор ваколатлари: назария ва амалиёт муаммолари. Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси. – Тошкент, 2020. – Б. 150-155.

В.Ю.Бреанский апелляция институтини тарихий ва замований жиҳатларини таҳлил қилган бўлиб, апелляция термини (лотинча “appellatio”- мурожаат, шикоят ёки “appellarel” – чақириб олиш⁴) дастлаб қадимги Римда (милоддан аввалги VI аср охири – I аср ўрталарида) пайдо бўлганлиги, дастлаб бу институт факат мурожаат шаклига эга бўлганлигини, кейинчалик эса апелляция судларида иш юритиш билан боғлиқ процессуал тартиб жорий этилганлигини тадқиқот ишида баён этган⁵. Дарҳақиқат апелляция инстанциясида иш юритиш муайян тарихий даврийликка эга. Бу эса, мазкур босқичнинг заруратини белгилаб беради.

Инсон хуқуклари бўйича Ирландия маркази (ICHR), БМТнинг Инсон хуқуклари бўйича Бош комиссари (ОНЧНР) ва БМТнинг жиноятчилик ва гиёхвандликка қарши кураш бошқармаси (UNODS) билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Модель жиноят процессуал кодексининг 12-боби биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган юридик ёки фактik ҳатолар сабабли ишни апелляция тартибида кўриш институти белгилайди⁶. Қайд этилган халқаро хужжат апелляция инстанция босқичининг муҳимлигини кўрсатади.

И.Я.Фойницких таъкидлашича, “Апелляциянинг мақсади – янги тўлақонли муҳокама билан хукмнинг адолатлиигини қўшимча тасдиқлаш ҳисобланади”⁷.

Х.Комогортева, И.Неагу ва М.Дамасчин апелляция инстанцияси ҳақида тўлиқроқ қўйидагича таъриф берган – жиноят процессининг мустақил босқичи бўлиб, тегишли процессуал хуқуқ институтини амалга ошириш орқали биринчи инстанция судининг якуний бўлмаган қарорларини текширишдан ҳамда қўшимча далилларни қонунийлик, пухталик ва адолатли ўрганишдан иборат бўлган процессуал жараёндир⁸.

Апелляция тартибда иш юритиш – бу процессуал ҳаракатлар тизими бўлиб, суднинг қонуний кучга кирмаган қарорига шикоят бериш ёки протест келтириш орқали ишнинг фактik ҳамда хуқукий томонини янги суд

⁴Краткий политический словарь / Под общ. ред. Шишилина Н.В. и Онникова Л.А — М : Политиздат, 1978. — С. 21; Большой юридический словарь / Под ред. Сухарева А.Я , Крутских В.Е. - М.: Инфра-М, 2004. - С. 33.

⁵ Брянский В. Ю. Апелляционное производство в уголовном судопроизводстве. тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.09, кандидат юридических наук. 2006. 11-13 С. <https://www.dissercat.com/content/apellyatsionnoe-proizvodstvo-v-ugolovnom-sudoproizvodstve>. Апелляционное обжалование: история и современность. Ін: Российский судья, №7/2005, с.39.

⁶ Инсон хуқуклари бўйича Ирландия маркази (ICHR), БМТнинг Инсон хуқуклари бўйича Бош комиссари (ОНЧНР) ва БМТнинг жиноятчилик ва гиёхвандликка қарши кураш бошқармаси (UNODS) билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Модель жиноят процессуал кодекси// Электрон манба. <https://www.usip.org/model-codes-post-conflict-justice-/publication-the-model-codes/english-version-volume-2>

⁷ Фойницкий И.Я. Курс уголовного судопроизводства. СПб., 1996. Т.2.С.533.

⁸ Комогорцева К., op.cit., с.9-11; Neagu I., Damaschin M., op. cit., p. 278.

мухокамада, судьялардан иборат таркибда кўриб чиқиб, қарор қабул қилишдан иборатдир.

Шу билан бирга, фикримизча, апелляция инстанция судининг мақсади қонуний кучга кирмаган биринчи инстанция суд хукми ёки ажримларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигига ўз вақтида баҳо бериш, уларни қонун талабларига мувофиқлаштириш орқали шахснинг ҳукуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Айрим масалалар.

1. Ўзбекистон Республикасининг 497⁴ моддасига кўра, апелляция шикояти ва протестлари хукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичida, маҳкум, окланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичida берилиши мумкин⁹.

Ушбу ўзгартириш Ўзбекистон Республикасининг 27.09.2023 йилдаги №869-сонли “Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги Қарорига асосан киритилган.

Аммо ушбу янгилик апелляция инстанциясида бир қанча қийинчиликларга олиб келмоқда. Мисол учун, амалиётда адвокатлар апелляция шикоятининг предмети ва асослилигини ўрганиб чиқиб апелляция шикояти бериш имкониятига вақт жихатидан эга бўлмаяпти. Бу дегани, апелляция шикоятларининг асоссиз берилиши ва уларнинг сони ошиб бориш эҳтимолини оширади.

Ҳаттоқи, постсовет давлатларида мисол учун Россия Федерацияси, Қозогистон Республикаси, Арманистон Республикасида апелляция шикоятини 15 сутка ичida бериш мумкин. Бундан ташқари, Озарбайжон Республикасида эса ушбу муддат 20 суткани ташкил килади.

Бундан ташқари, Америка Кўшма Штатларида апелляция шикоятини бериш тўғрисида судга 10 сутка ичida ҳабардор қилиши керак, ва шундан сўнг апелляция шикоятини 40 сутка ичida таёrlаб бериш ҳукуқига эгадир. Инглиз ҳукуқ тизимида эса магистр суди (биринчи инстанция) ҳукумининг устидан апелляция шикоятини 21 кун ичida бериш назарда тутилган.

Бундан келиб чиқяптики, Ўзбекистон Республикасининг 497⁴ моддасида келтирилган апелляция бериш муддати кўплаб хорижий давлатларнинг қонунчилигида назарда тутилган муддатдан камроқдир.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодекси. <https://lex.uz/docs/111460>

Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодекси 497⁴ моддаси 1-қисмига ўзгартериш киритиб қўйидаги таҳрирда баён қилиниши лозим: “Апелляция шикояти ва протестлари хукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн беш сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга хукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида берилиши мумкин”.

Ушбу ўзгартериш амалиётда апелляция шикоятини бериш учун томонлар етарли таёргарликга эга бўла олишмасликлари асос бўлган ва илғор ҳорижий давлатларнинг амалиётидан келиб чиқиб ушбу муддат белгиланган.

Апелляция инстанцияси жиноят процессининг муҳим босқичи сифатида суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини таъминлашда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Ушбу босқичда прокурорнинг фаол иштироки унинг давлат айловини қўллаб-қувватловчи ва қонун устуворлигини таъминловчи марказий фигура сифатидаги мақомини яққол намоён этади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида прокурорнинг апелляция жараёнидаги хуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилган бўлиб, бу унинг суд муҳокамаларидағи иштироки мажбурий эканлигини кўрсатади.

Мақолада таъкидланганидек, янги ислоҳотлар даврида прокурорнинг вазифалари кенгайиб, унинг инсон хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги роли ортиб бормоқда. Шу билан бирга, апелляция шикояти бериш муддатига оид амалий муаммолар таҳлил қилиниб, хуқуқий муҳитни яхшилашга қаратилган таклифлар илгари сурилди. Хусусан, амалиётда шикоят беришга ажратилган ўн қунлик муддат томонлар учун етарли эмаслиги таъкидланиб, ушбу муддатни 15 кунгача узайтириш таклифи илгари сурилди. Бу ўзгариш ҳорижий амалиётни инобатга олган ҳолда, тарафларга сифатли ва асосли шикоят тайёрлаш имконини яратади.

Шу тариқа, мақолада прокурорнинг апелляция босқичидаги процессуал мақоми назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиниб, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича аниқ ва асосланган таклифлар берилган. Ушбу таклифларнинг амалиётта жорий этилиши жиноят ишлари юзасидан қабул қилинадиган қарорларнинг адолатлилиги ва қонунийлигини янада таъминлашга хизмат қиласди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. [https://lex.uz/docs/6445145/](https://lex.uz/docs/6445145;)

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал Кодекси.

<https://lex.uz/docs/111460>;

3. Мирзаев Р.Р. Жиноят процессида прокурор ваколатлари: назария ва амалиёт муаммолари. Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси. – Тошкент, 2020. – Б. 150-155;

4. Краткий политический словарь / Под общ. ред. Шишлина Н.В. и Онникова Л.А – М : Политиздат, 1978. – С. 21; Большой юридический словарь / Под ред. Сухарева А.Я , Крутских В.Е. - М.: Инфра-М, 2004. - С. 33;

5. Брянский В. Ю. Апелляционное производство в уголовном судопроизводстве. тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.09, кандидат юридических наук. 2006. 11-13 С.
<https://www.dissercat.com/content/apellyatsionnoe-proizvodstvo-v-ugolovnom-sudoproizvodstve>. Апелляционное обжалование: история и современность. În: Российский судья, №7/2005, с.39;

6. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ирландия маркази (ICHR), БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Бош комиссари (OHCHR) ва БМТнинг жиноятчилик ва гиёхвандликка қарши кураш бошқармаси (UNODS) билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Модель жиноят процессуал кодекси.// Электрон манба.
<https://www.usip.org/model-codes-post-conflict-justice-/puclation-themodel-codes/english-version-volume-2>;

7. Фойницкий И.Я. Курс уголовного судопроизводства. СПб., 1996. Т.2.С.533.;

8. Комогорцева К., op.cit., c.9-11; Neagu I., Damaschin M., op. cit., p. 278.